

«MELNIK GOLD»МСНД кейинги ўринларда ”Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи **Н.Хамроев**. номидан, бир томондан ва **Гиждувон туман 8-мактаб интернат** кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбар **Ё.Азимов** номидан иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Етказиб бериш киймати | ККС | Бахоси ККС билан |
|-------------|--|---------------|----------|--------------|-----------------------|----------------------|--------------------|
| 1 | Парта (Парта ученическая двухместная с 2 стулом (1300*600*750)) | Шт | 32 | 1 327 826.09 | 42 490 434.78 | 6 373 565.22 | 48 864 000 |
| 2 | Мебель для лекционного зала (Кресло для зрительного зала) | Комп | 78 | 2 216 521.74 | 172 888 695.65 | 25 933 304.35 | 198 822 000 |
| 3 | Мебель для нежилого помещения (Доска(3000*1000) | Шт | 1 | 1 506 956.52 | 1 506 956.52 | 226 043.48 | 1 733 000 |
| 4 | Стул на металлическом каркасе (Стул Сильвия) | Шт | 1 | 338 260.87 | 338 260.87 | 50 739.13 | 389 000 |
| 5 | Стол письменный (Стол однотумбовый (1200*600*750) | Шт | 1 | 938 260.87 | 938 260.87 | 140 739.13 | 1 079 000 |
| Жами | | X | X | X | 218 162 608.70 | 32 724 391.30 | 250 887 000 |

2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: « 02 » апрель 2022 йилгача

2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1.Ушбу шартноманинг умумий суммаси 250 887 000 сум (Икки юз эллик миллион саккиз юз саксон етти минг сум)ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан толов микдори 30 % фоизини 75 266 100 (Етмиш беш миллион икки юз олтминиш олти минг юз сум)ни ташкил қиласди ва бу олдиндан тўлов 2022йилнинг марта ойида амалга оширилади. Якуний толовнинг микдори эса, келишилган сумманинг 70% фоизини 175 620 900 (Бир юз етмиш беш миллион олти юз йигирма минг туккиз юз сум)ни ташкил этади ва бу якуний толов хисоб варака тақдим килингандан сунг 2022йилнинг марта ойининг “31” санасигача амалга оширилади.

2.3 Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кура, 30 фоиз микдорида олдиндан хак тулашназардатутилган.

2.4 Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вактида топшириши.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳакида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз хисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади. 3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичидаги сотовчини хабардор қиласи.

3.2.3. Шартнома да белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳакини тўлаш.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандағина ва томонлар уни имзолаганларидағина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартеришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартерилиши мумкин.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширилганлик учун Сотувчи ҳар бир кечикирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбор тараф товар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4. Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар кийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди: —

5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечикирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг маҳсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил “30” март дан 2022 йил «31» декабрдагача амалда булади .

6.2 Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Узбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддвеси хамда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйрути билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижросикоидалари” 2016 йил 22 декабрдаги 2850-сонли руйхатдан утказилгандан сунг қонуний кучга киради.

6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бир учун бир нусхадан берилади. 64. Шартнома муддатидан олдин қуидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:- томонларнинг келишувига мувофик;- Ўз.Р. қонунчилик хужжатларида назарда тутилган ҳолларда.- Форс-Мажор холатларида

7. Шартномани қонуний кучга кириши

7.1. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Узбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 122- моддаси хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594- сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар , хизматлар) етказиб берувчilar билан шартномалари , шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари ҳисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган .

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти қонуни хамда бошқа қонун хужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида”ти қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибida ҳал қилинади

8.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартериш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИЛЛАРИ

«СОТУВЧИ»

«MELNIK GOLD»МСНҟ

Манзили: Бухоро в. Ромитан туман

Тел :+99897 300-09-37

x\r20208000600775421001

Банк Бухарский филиал АКБ "Hamkorbank"

МФО 00966 ИНН 304905903

ОКОНХ 15271

Рахбар:

Н.Хамроев



«СОТИБ ОЛУВЧИ»

Гиждувон туман 8-мактаб интернат

манзили: Гиждувон туман А.Гиждувоний кучаси 122 ўй

Газначилик бўлим номи: Бухоро вилояти

бўйича Газначилик бошкармаси

Газна х/р: 23402000300100001010

МБ ХКМ: Тошкент шаҳар Марказий банки

МФО: 00014, ИНН: 201122919

Тел.: 57-27-5-50

Ш/х/в: 100021860062157092300075001

Рахбар :

Ё.Азимов

